

**“Hududgazta`minot” акциядорлик жамияти ходимларининг
аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида
Низом**

I. Умумий қоидалар

Мазкур Низом “Hududgazta`minot” акциядорлик жамияти фаолияти самарадорлигини ошириш, газ соҳасининг устувор вазифаларини бажариш, Жамиятда фаолият олиб бораётган ходимларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини чуқурлаштириш, ўз касби бўйича малакаларини ва меҳнатининг пировард натижаларини холис баҳолаш, улар меҳнатининг самарадорлигини ҳамда ўзига топширилган вазифалар бўйича масъулиятини ошириш, тизимда кадрларни оқилona танлаш ва меҳнат жараёнини такомиллаштиришга кўмаклашиш мақсадида уларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаб беради.

II. Низомнинг қўлланилиш доираси.

2.1. Ушбу Низом эгаллаб турган лавозими, вазифаси ва функцияларидан қатъий назар меҳнат муносабатларига киришган, “Hududgazta`minot” АЖ ва унинг тизимидаги барча филиаллар, корхона ва ташкилотлар, шаҳар-туман бўлимлари ходимларига нисбатан қўлланилиши мумкин.

III. Аттестация ўтказиш муддатлари ва тартиби

3.1. Ходимларни аттестациядан ўтказиш даврий бўлиб, умумий асосларга кўра ҳар беш йилда бир маротаба ўтказилади, аммо иш берувчи лозим деб топган ҳолларда мазкур Низомнинг ушбу бандига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

3.2. Ходимларни аттестациядан ўтказиш учун олдиндан қуйидаги тайёргарлик ишлари олиб борилади:

- аттестация ўтказиш учун раис, котиб(а) ва комиссия аъзолари таркибида аттестация комиссияси тузилади ва буйруқ билан тасдиқланади;
- аттестациядан ўтказиладиган ходимлар аттестация бошланишидан бир ой илгари хабардор қилиниб, тайёрланган саволномалар тарқатилади;
- тегишли раҳбар, касаба уюшмаси кўмитаси билан биргаликда аттестациядан ўтувчи ходимларга тавсифнома (характеристика)лар тузади;
- аттестациядан ўтувчи ходим тавсифнома билан аттестация ўтказишдан камида 2 ҳафта илгари имзо чекиб таништирилади. Бунда, ходим ўзининг иш фаолияти юзасидан тайёрланган (берилган) тавсифномадан

норози бўлган тақдирда аттестация ўтказиш муддатидан олдин аттестация комиссиясига ёзма эътироз билдириши мумкин;

- аттестация ўтказилишидан камида бир ҳафта олдин аттестация комиссиясига аттестациядан ўтувчи ходимнинг аттестация варағи тақдим этилади (1-илова).

- Аттестация тугаб, аттестация варағи тўлдирилгандан кейин унинг бир нусхаси аттестация комиссиясининг ҳужжатларида, бошқа нусхаси аттестациядан ўтган ходимнинг шахсий ҳужжатларида сақланади.

3.3. Аттестация комиссиясининг қарорига кўра шартли равишда аттестациядан ўтган ходимларга нисбатан навбатдан ташқари аттестация олти ойдан сўнг белгиланиши мумкин.

3.4. Раҳбарият томонидан ҳар хил тоифадаги ходимларга қўйиладиган муайян малакавий талаблар, уларнинг лавозим мажбуриятларидан келиб чиққан ҳолда амалдаги тегишли қонун ҳужжатларини ҳисобга олиб белгиланади.

3.5. Қуйидаги ходимлар:

- эгаллаган лавозимида олти ойдан кам ишлаганлар;
- ҳомиладор аёллар ва икки ёшгача болалари бўлган аёллар;
- 6 ойгача муддатли шартнома тузилган ходимлар;
- олий ўқув юртини ва касб ҳунар коллежини битирувчилари;
- ходимлар штати рўйхатида турмаганлар навбатдаги аттестацияда қатнашмайдилар.

3.6. Эгаллаб турган лавозимида 6 ойдан 1 йилгача ишлаган ходимлар билан суҳбат ўтказилади.

3.6. Аттестация комиссияси, аттестация ўтказишнинг муддатини ва тартибини белгилайди ва жадвалини тасдиқлайди, унинг натижалари тўғрисида қарорлар қабул қилади.

3.7. Аттестация комиссиясининг таркиби – аттестациядан ўтувчи ходимларнинг асосий фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлган раҳбар ходимлардан иборат бўлиши керак.

Шунингдек, унинг таркибига қуйи ташкилот раҳбарларини, аттестациядан ўтувчи ходимнинг иш йўналиши бўйича юқори малакали мутахассисларни ёки юқори ташкилот вакилларини киритиш мумкин.

3.8. Аттестация комиссияси очик ёки яширин овоз билан қарор қабул қилади. Қай йўсинда овоз бериш аттестация комиссияси томонидан белгиланади. Аттестациядан ўтаётган ходим иштирокида овоз берилмайди. Комиссия аъзоларининг камида 2/3 қисми аттестацияда иштирок этган тақдирда ва уларнинг кўпчилик овози билан қарор қабул қилинган бўлса у ҳуқуқий кучга эга бўлади.

Аттестация комиссиясининг аъзоси бўлган ходим аттестациядан ўтаётганда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

3.9. Аттестация комиссияси унга тақдим этилган аттестация ҳужжатлари билан танишади ва аттестация қилинувчининг ўзидан бажараётган меҳнат фаолияти тўғрисида савол-жавоб тарикасида маълумотлар олади. Аттестация қилинувчи ходимнинг ўз хизмат мажбуриятларига қандай қарашини, ахлоқ-одобини, ташаббускорлиги ва

ишбилармонлигини ҳар томонлама таҳлил қилиб комиссия қўйидаги баҳолардан бирини беради:

а) эгаллаётган лавозимига лойиқ;

б) комиссия тавсияларини бажариш, икки ойдан кейин қайта аттестациядан ўтказиш ҳамда ўз ишини яхшилаш шарти билан бажараётган иши (эгаллаб турган лавозими)га шартли равишда лойиқ;

в) эгаллаб лавозимига лойиқ эмас.

3.10. Аттестация натижалари, аттестация тугагандан кейин аттестация комиссиясининг раиси, ўринбосари, котиби ва комиссия аъзолари имзо чеккан баённомаси аттестация ўтказилгандан кейин уч кун муддатда аттестациядан ўтган ходимга имзо қўйдирилган ҳолда тақдим этилади.(2-илова)

3.11. Аттестацияга узрли сабабларга кўра (касаллиги туфайли, хизмат сафариди бўлган ва ҳаказо) келмаган ходимлар аттестация комиссиясининг кейинги йиғилишига қўйиладиган ходимлар рўйхатига киритилади.

IV. Аттестация натижаларига кўра қабул қилинадиган қарорлар

4.1. Аттестация натижалари ва аттестация комиссиясининг тавсияномалари аттестациядан ўтган ходим ишлаб турган бошқарма (бўлим) раҳбарига юборилади.

4.2. Аттестация натижаларига кўра ходим бажараётган иши (эгаллаб турган лавозими)га лойиқ эмас деб топилганда, томонларнинг келишувига асосан белгиланган тартибда бошқа ишга ўтказилади, агарда бошқа макбул келадиган лавозим мавжуд бўлмаганда у билан умумий асосларда меҳнат шартномаси бекор қилинади.

Ходим бошқа ишга норозилик билдирганда тегишли раҳбар ўзининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида уни камида икки ҳафта олдин огоҳлантиради (Меҳнат кодексининг 102-моддаси).

Ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва меҳнат таътилида бўлган даврида у билан тузилган меҳнат шартномаси ташкилот раҳбариятининг ташаббуси билан бекор қилинмайди.

4.3. Аттестация натижаларига кўра ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги туфайли меҳнат шартномаси бекор қилинганда, унга ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида ишдан бўшатиш нафақаси тўланади.

4.4. Аттестация комиссиясининг қароридан норози бўлган ходим меҳнат низоларини кўрувчи органларга, юқори турувчи ташкилотга ёки судга мурожаат қилиши мумкин.

V. Яқуний қоидалар

5.1. Мазкур Низомда белгиланган қоидалар бўйича низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

5.2. Низом талабларини бузган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

АТТЕСТАЦИЯ ВАРАҚАСИ

I. Ходим тўғрисида маълумотлар

Лавозими _____
(аттестациядан ўтувчи ходимнинг Ф.И.О.)

Туғилган йили _____

Маълумоти _____

(ўқув юрти ва факультетининг номи, тугатган йили)

Илмий даражаси _____
(илмий иши қачон ва қаерда ҳимоя қилинган)

Мукофотлари _____

Штат жадвали бўйича маоши _____

Маошига қўшимча _____

Ўтган йилда олинган интизомий жазолар _____

Иш стажи: умумий _____

ушбу ташкилотда _____

ишлаётган лавозимида _____

III. Аттестация комиссиясининг хулосаси

Тарафдорлар _____

Қаршилар _____

Бетарафлар _____

комиссия раиси _____
(фамилияси, исми) _____ имзо)

комиссия котиби _____
(фамилияси, исми) _____ (имзо)

комиссия аъзолари _____
(фамилияси, исми) _____ имзо)

_____ (фамилияси, исми) _____ имзо)

_____ (фамилияси, исми) _____ имзо)

_____ (фамилияси, исми) _____ имзо)

_____ (фамилияси, исми) _____ имзо)

Аттестация комиссиясининг хулосаси билан танишдим:

2018 йил “ _____ ” _____

_____ (аттестациядан ўтувчининг имзоси)

**АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИНИНГ
БАЁННОМАСИ**

2021 йил “__” _____ -сон

Қатнашганлар:

Комиссия раиси _____
(фамилияси, исми)

Комиссия котиби _____
(фамилияси, исми)

Комиссия аъзолари _____
(фамилияси, исми)

(фамилияси, исми)

(фамилияси, исми)

(фамилияси, исми)

(фамилияси, исми)

Ходим ишлаётган бўлим раҳбари _____
(фамилияси, исми)

Аттестациядан ўтувчи ходим _____
(фамилияси, исми)

Тингланди:

1. _____
(ходим ишлаётган бўлим раҳбарининг сўзи)

2. Аттестациядан ўтувчи ходимга берилган саволлар:

Жавоблар: _____

Аттестация комиссияси тақдим этилган хужжатлар билан танишиб ва
аттестациядан ўтказилаётган ходимнинг жавобларини ҳамда у ишлаётган
бошқарма (бўлим) раҳбари сўзларини тинглаб,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

_____ вазифасида (лавозимида) ишлаётган

_____ (ходимнинг фамилияси, исми)

бажараётган вазифасига (лавозимига) _____

_____ (лойик, шартли равишда лойик, нолайик)

деб ҳисоблансин.

Аттестация комиссиясининг тавсиялари:

комиссия раиси

(имзо)

комиссия котиби

(имзо)

комиссия аъзолари

(имзо)

(имзо)

(имзо)

(имзо)

(имзо)

“Hududgazta’minot” акциядорлик жамияти ходимларининг
аттестациядан ўтказиш комиссияси

ТАРКИБИ

1	Б.Эшмуратов	Бошқарув раиси	комиссия раиси
2	А.Саидвалиев	Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари - бош муҳандис	комиссия раиси ўринбосари
3	Т.Турдиев	Бошқарув раисининг суўлтирилган газ бўйича ўринбосари	комиссия аъзоси
4	А.Турдибаев	Бошқарув раисининг молия ва иқтисодиёт бўйича ўринбосари	комиссия аъзоси
5	*	Бошқарма (бўлим) бошлиқлари	комиссия аъзоси
6	Ш.Ахмедов	Жамият Бирлашган қасаба уюшмаси қўмитаси раиси	комиссия аъзоси
7	С.Анарбаев	Моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва коррупцияга қарши сиёсатни амалга ошириш бошқармаси бошлиғи	комиссия аъзоси
8	Ф.Абдуазимов	Шартномавий-ҳуқуқий бошқарма бошлиғи	комиссия аъзоси
9	Д.Ачилов	Ходимлар бошқармаси бошлиғи	комиссия котиби

* Аттестацияда синовида иштирок этаётган ходимнинг бошқарма(бўлим) бошлиқлари аттестация комиссиясида аъзо сифатида иштирок этади.

* Бирор бир комиссия аъзолари бошқа ишга ўтказилганда ёки меҳнат шартномаси бекор қилинганда, шу лавозимга янги тайинланган шахслар комиссия аъзолари таркибига киради.